



Хамза Хакимзода Ниёзий узбек маданиятининг йирик намояндаларидан бўлиб, Абдулла Кодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Боту, Гулом Зафарий каби атокли санъаткорлар билан бир сафда туришга муносиб ижодкор. Хамза хам улар каби халкнинг миллий уйгонишида, янги узбек адабиётини барпо этишда катта жонбозлик кўрсатган ва улар каби мустабид тузумнинг курбони бўлган.

Тўгри, унга "миллатчи", "пантуркист", "халк душмани", "буржуа мафкурачиси" деган тавки лаънатлар ёпиштирилгани йўқ; уни маъмурий идораларга чакириб сўрок килмадилар, тахкирлаб, кийнокларга дучор килиб, дўзах азобини бошига солмадилар. Хамма энг сара зиёлилар катори сургун килингани ёки НКВД ертўлаларида отиб ташлангани йўқ. Аксинча, 1929 йилда Шохимардонда кўзи конга тўлган вахший оломон кўлида халок бўлганидан кейин кўп ўтмай Хамза йирик шўро ёзувчиси сифатида улуглана бошлади. Хаётлигига етти ухлаб тушига кирмаган иззат-икромни у ўлганидан кейин кўрди. Эллик йил мобайнида унинг шаънига айтилмаган мактov колмади. Бу хамдусаноларга караб хукм килса, Хамзанинг малоикалар сафидан ўрин олишига бир баҳя колганди — бунинг учун унинг икки кураги устига бир жуфт канот кўндириб куйса кифоя эди. Мабодо мўъжиза рўй бериб, Хамза тирилиб колса, театр сахналарида, кино экранларида, бадиий асарлар сахифаларида ўзини кўриб, "илмий" тадқикотлар, китоблар, маколалардаги баландпарвоз гапларни ўкиб, ўзини таниёлмай колиши мукаррар эди. Шу зайлда шўро мафкураси Хамзани оккигизга ўтказиб, эгасиз колган адабиёт тахтига чикариб кўйди. Хўш, нега энди Хумо куши келиб-келиб айни Хамзанинг бошига кўнди? Бунинг сабабини англамок унча кийин эмас. Большевиклар хокимият тепасига келгач, зиёлиларга нисбатан алмисокдан колган "камчи ва ширин кулча" сиёсатини кўллади. Бу сиёсатга кўра зиёлиларнинг бир кисми кувгинга учради, зиндонларга ташланди. Оммавий катлиом килинди, мамлакатдан кувилди, иккинчи кисмининг эса пешонаси силанди, турли-туман рагбатларга, шўровий имтиёзларга кўмилди. Биронтаси бехосдан "Кирол ялангоч-ку!" деб юбормаслиги учун шўро хукумати уларни алдаб-сулдаб, кўйинини пуч ёнгокка тўлдиришга мажбур эди.

30-йилларнинг ўрталарида Октябрь инкилобининг 20 йилдигини нишонлашга тайёргарлик бошланди. Бирок маълум бўлдики, мафкура соҳасида зудлик билан бартараф килмаса бўлмайдиган ўпконлар бор экан. "Инкилоб хамма миллатларга янги хаёт олиб келди, уларнинг адабиёти, санъатини яшнатди" деб жар солинади. Албатта, ўзбеклар хам бундам бенасиб колгани йўқ. Аммо кани ўша гуллаб-яшнаган янги адабиёт? Кани уни барпо этаётган удобо-ю шуаро? Дзержинский шоввозлари енг шимариб ишга киришмасии экан — азаматлар кизишиб кетиб, вазифаларини юз чандон ошириб

бажаришипти: бошка халкларники каби ўзбек адабиётида хам учтўртта ёш-ялангни айтмаса, ёзувчи зоти кирилиб кетипти. Ахир, инсоният тарихи-да янги саҳифа очган Октябрь инкилоби галаба килган бўлса-ю, биронта ўзбек шоири уни кувонч билан карши олиб, олкишламаган бўлса, шўролар шаънига иккى оғиз илик *ган* айтмаган бўлса? Буни кандай изохлаш мумкин? Холбуки, хар бир миллий адабиётда халқ номидан Октябрни кутлаган ИНКИЛОБ КУЙЧИСИ бўлмоги керак. Бунака куйчи бўлмаса, уни янгидан ясаш керак... Хуллас, ўша йилларда бу ролга Хамзадан муносиброк одам топилмади. Шундай килиб, шоирни ўзлигидан маҳрум килиб, оддий бир кўгиричокка айлантириш жараёни бошланди. Бошкача айтганда, ўз вактида омади келиб, шўроларнинг катли омидан омон колган Хамза кейинчалик хукмрон мафкура манфаатлари йўлида курбон килинди.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хамза хакида кўплаб китоблар ёзилди, юзлаб маколалар пайдо бўлди, бехисоб маърузалар ўкилди, нутклар ирод этилди. Албатта, уларнинг теранлиги, савияси хар хил эди, лекин уларни бир-бирига якинлаштирадиган муштарақ томони хам бор эди: уларнинг хаммасида Хамза шаънига айтилган мактovлар муттасил кўтарилиб борарди. Аммо таассуфли томони шунда эдики, мактovларнинг аксарияти реал заминга эга эмас эди. Албатта, эллик йил мобайнода хамзашунослар шоир ижодини ўрганишда муайян самараларга эришди — Хамза биографияси батафсил ўрганилди, архиви тавсиф этилди, мероси аникланди, йўколган хисобланган баъзи асарлари топилди. Аммо шу билан бирга Хамза хакида кўплаб мифлар, хакикатдан узок афсоналар, ёлгон-яшик гаплар хам тўкилди, уларда Хамзанинг асл киёфаси батамом бузиб кўрсатилди. Табиийки, бу ёлгоннинг энг каттаси шоирнинг Октябрь инкилобига муносабати масаласида тўкилган эди. "Бир ёлгонда кирк ёлгон" деганларидск, Хамза тўгрисидаги бошка ёллонлар шундан бошланган. Турли шаклларда, турлича эхтирос ва жўшкинлик билан олга сурилган карашларга кўра Хамза инкилобдан олдинок коммунистик дунёкараш тугал шаклланиб етган изчил марксист бўлган, большевиклар сиёсатини чукур англаб, уни ўз эътиқодига айлантирган. Аммо Хамза хакидаги асарларнинг хеч кайсисида шоирнинг марксистик дунёкараши моҳиятан нималарда намоён бўлиши ва кайси манбалар асосида шакллангани хакида лом-мим дейилмайди. Дарҳакикат, инкилобдан олдин (ва хатто инкилобдан кейин хам) Хамза Маркс асарларини мутолаа килганми? Мутолаа килган бўлса, кайси тилда? Уларни каердан олган? Ленин асарларини-чи? Ёки шоирдаги коммунистик эътиқод кўча намойишларида, митингларда айтилган хитоб ва шиорлар таъсирида шаклланганми? Бундай дейилса, Хамзанинг инкилобдан олдин биронта намойиш ёки митингда катнашгани хакида бирон бир материал йўк. Савол кўп, лекин тадқикотчиларнинг хеч кайсиси бунака саволларга жавоб беришга уринган хам эмас. Улар учун Хамзанинг инкилобдан олдинок изчил марксист бўлиб етилгани шубха тугдирмайдиган факт. Шундок бўлгач, Хамза, албатта, Октябрни биринчи кадамлариданок зўр шодиёна билан кутиб олади-да! Тадқикотчилар бу билангина чекланмайди. Уларнинг таъкидлаши-ча, Хамза умрининг охиригача шўро шоири сифатида садокат билан ижод килган ва хатто ўзбек адабиётида биринчи бўлиб социалистик реализмни жорий этган. Шўро адабиётшунослигида бу караш шу кадар илдиз отиб кетган эдики, хатто ошкоралик ва кайта куриш йилларида коммунистик мафкура остин-устун бўлиб кетган шароитда хам сира ўзгаргани йўк. Хамза таваллудининг юз йиллиги муносабати билан тайёрланган ва 1988 йилда чоп этилган "Хамза Хакимзода ижоди проблемалари" деган китобда шундай дейилади: Хамза "ижтимоий фаолияти хам бадиий ижоди билан социалистик революцияни

олкишлаган янги тип санъаткор ва шу характери билан совет ёзувчиси канака бўлиши кераклигини ёркин намойиш килувчи ажойис шахс эди".

Муаллиф давом этиб, фикрини чукурлаштиради: "Коммунистик партия сиёсатини Октябрь инкилоби арафасидаёк ўзининг ижтимоий эътиқоди деб кабул килган шоир умрининг охиригача унга содик колди ва бутун кобилиятини Ленин партиясининг адолатли ишига башлади".

Хамза хакидаги бундай карашда илмдан кўра сиёсат кучли, мантиқдан кўра эҳтирос ва хаяжон устун. Бу караш илмий умумлашмадан кўра минбардан туриб кўлни пахса килиб айтиладиган шиорга ўхшайди. Аслида хам шундай — у юкоридан туширилган партиявий кўрсатмадан ўзга нарса эмас, бинобарин, унга шак келтириб бўлмайди, уни тахлил килиш эмас, балки кимматли дастуриламал сифатида кабул килиш керак. Шунинг учун ўзбек адабиётшунослари бу кўрсатмани bemustasno хамзашуносликнинг "бисмилло"сига айлантириб олдилар, яъни уни Хамза ижоди билан boglik хамма муаммоларни хал килиб берадиган методологик калит килиб бўйнига осиб олганлар. Улар Хамза ижодининг кай муаммоси хакида мулохаза юритмасин, бутун таҳдилни Шу тезисга мослаштиришга харакат килишарди. "Хамза — инкилоб куйчиси" деган гап ярим аср давомида тақрорлана-тақрорлана бадан-баданларимизга шу кадар сингиб кетдики, "Хамза инкилобчи шоир бўлган эмас" деган гапни эшитиш биланок ич-ичимиизда унга карши алланечук норозилик уйгонади, хар кандай мантикий далиллардан кўз юмамиз-да, ўзимиз учун ардокли бўлган эски ақидаларимизни химоя килиш йўлларини излай бошлаймиз. Аммо хаётий фактлар асосида объектив фикр юритадиган бўлсак, ўша даврдаги хакикий вазиятдан келиб чикиб хукм киладиган бўлсак, бир катор сабабларга кўра Хамза Хакимзода ва нафакат Хамза, балки ўша йилларда коматини тиклаб олган бошка кўпгина ўзбек зиёлилари хам Октябрь инкилобининг "оламшумул" ахамиятини, меҳнаткаш омма тақдирида йўнаган "ижобий" ролини англаб етиши мумкин эмас эди. Шундок экан, ўзбек зиёлилари Октябрь инкилобини биринчи кадамлариданок чексиз шод-хуррамлик билан кутиб олиб, унинг шаънига олам-олам хамду санолар ўкиши, мадхиялар ёғдириши мумкин эмас эди. Мен бу билан ўзбек зиёлиларини камситмокчи, ижтимоий фаолиятларини ерга уриб, иктидорларини, акл-заковатларини шубха остига олмокчи эмасман. Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар кори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Убайдуллаҳўжа Асадиллаҳўжаев, Сидкий Хондайликий каби зиёлилар ўзларининг теран ва илгор фикрли одамлар эканини, ижтимоий хаётдаги тамойиллар ва йўналишларни тўгри идрок эта билишларини неча марталаб исбот килишган. Масалан, Мунаввар кори 1905 йилдаёк матбуотда эълон килинган маколаларида социал-демократларнинг синфий кураш хакидаги карашларини кескин коралаб чиккан ва бу назария факат биродар-кушликка олиб бориб, жамиятни боши берк кўчага киритиб кўйишини таъкидлаган эди. Ёки Сидкий Хондайликий 1917 йилда "Русия инкилоби" деган достон ёзиб, унда чоризм тузумини чукур таназзулга олиб борган ижтимоий сабабларни очиб берган, турли тоифалар ўртасидаги сиёсий кураш манзараларини хакконий чизиб берганди. Шуларга карамай, Мен ўша даврда ўзбек зиёлилари "большевиклар гояларини кабул кила олмас ва Октябрни кабул килаолмас эди" деяётган эканман, бунинг боиси бор, албатта.

Аввало бир саволга жавоб берайлик, хўш, большевиклар партияси инкилоб арафаларида ва бевосита инкилоб кундарида халк ўртасида кенг шухрат козонган, омма томонидан, яъни "эзилган меҳнаткашлар" томонидан кўллаб-кувватланган партия эдими?

У турли ижтимоий табакалар ўртасида обрў козониб, бирон салмокли мавкега эга бўлганми? Бу савол айрим одамларга гайритабиий туйилиши мумкин — ахир, шу хам савол бўлдими? Большевиклар биринчи кадамданок халк манфаатлари учун курашган, шунинг учун бутун Россия империясида кенг халк оммаси томонидан кўллаб-кувватлангани хаммага маълум-ку! Уларнинг шухрати зўр бўлганига шубха килиш керак эмас. Бирок бундай караш шўро замонида хамманинг кулогига мажбурлаб куйилган гапларнинг оковасидан, эскича фикр юритиш окибатидан ўзга нарса эмас. Маълумки, 1938 йилдан бошлаб ёшу кари барча совет халки тарихни "ВКП(б) тарихи. Киска курс" деган китоб бўйича ўкиб ўзлаштиришга мажбур эди. Китоб Сталиннинг қўрсатмаси билан ёзилган ва унинг таҳрири остида чоп эттирилган бўлиб, унда партия тарихи очикдан-очик сохталаштирилган эди. Аммо бу хакикат ошкоралик даврида — 80 йиллар ўртасидагина аён бўлди. 60 йилларга кадар эса бу китоб шўроларнинг муқаддас китобига айланган, одамлар унга сажда килишга мажбур эттирилган эди. Унинг хар бир жумласи мутлак хакикат хисобланарди. Хукмрон мафкура факат бу китоб эмас, бошка воситаларни хам ишга солиб, одамларда большевиклар партиясининг улуглиги хакидаги тасаввурни сусайтирмасликка харакат киларди. "Ленин Октябрда", "Ленин 1918 йилда" каби фильмлар ва яна бошка юзлаб бошка жанрдаги асарлар шу максадга хизмат килган. Ана шундай ашаддий ва узлуксиз ташвикот тазийикида фикри шаклланган одамлар большевиклар партияси инкилобдан аввал хам, инкилоб йилларида хам, ундан кейин хам умумхалк мухаббатини козонган, катта обрў-эътиборга эга бўлган деб ўйлашган. Холбуки, кейинги 15 йил ичida эълон килинган тарихий хужжатларнинг гувохлик беришича. кенг халк оммаси 1917 йилнинг 25 октябрига кадар большевиклар партияси тўгрисида деярли хеч нарса эшитган эмас, уларни кўллаб-кувватлашни эса етти ухлаб тушларида хам кўрган эмас. Бу фикрни тасдиқдовчи ўнлаб далиллар келтириш мумкин. Биргина мисол билан чекланаман.

"Адабиёт комуси"нинг биринчи нашрига Бош мухаррир бўлган, хозиргача илмий-марифий кимматини йўқотмаган ўнлаб тадқикотлар муаллифи, кейинчалик НҚВД ертўлаларида маҳв этилган йирик адабиётшунос В.П.Полонский 1929 йилда чоп этилган "Инкилобий давр адабиёти очерклари (1917—1927)" деган китобида ёзишича. 1917 йил июнь ойида Советларнинг Биринчи курултойида Ленин нутк сўзлаб, "хозирги пайтда ёлгиз большевиклар партиясигина давлат хокимиятини кўлга олишга курби етади" деганида бутун зал ках-ках уриб кулиб юборган экан. Мажлисни бошкараётган Ф.А.Керенский анчагача зални тинчтолмагач, Лениннинг гапига "бунака партия йўқ" деб изох берган экан. Тўгри, орадан беш ой ўтар-ўтмас кўпчиликка унча таниш бўлмаган бу партия куролли тўнтариш окибатида хокимият тепасига келади. Аммо бу хол ўша пайтда большевиклар партияси жамиятда катта нуфузга эга бўлганидан эмас, балки Вактли хукуматнинг укувсизлиги, журъатсизлиги ва бекарорлигидан далолат беради, холос. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг — инкилобдан 4—5 ойгина олдин империя пойтахтида яъни Санкт-Петербургда кўпчиликка яхши таниш бўлмаган бир партияни Россиянинг авлок ўлкаси хисобланмиш Туркистонда шоирлар билиб, гояларини ўзлаштириб, куролли тўнтаришини шоду хуррамлик билан кутиб олиши мумкинми? Юкорида номи зикр этилган Сидкий Хондайликий "Русия инкилоби" деган достонида инкилобни келтириб чиқарган сабаблар, уни амалга оширган ижтимоий кучларни кенг қўрсатган. Шоир, айникса Русия империясидаги 1916—1917 йиллардаги вазиятни батафсил тасвиrlайди, хатто рус давлатини бутун Европа назарида шармандаи шармсор килган Григорий Раступиннинг кирдикорларини хам четда колдирмайди. Аммо жамиятдаги хар бир

салмокли харакатни сезгирилик билан илгаб олган бу синчков шоир достонида большевиклар харакати тўғрисида тузукрок маълумот бермайди. Шу фактнинг ўзиёк большевикларнинг "шухрати" кандок бўлганини яккол кўрсатиб турипти. Шунинг учун Хамза ва бошка ўзбек зиёлилари "инкилобдан олдинок унинг гояларини кабул килган ва инкилобни зўр мамнуният билан кутиб олган" деган фикрда хакикатдан кўра муболага кучли. Умуман, Хамза Хакимзоданинг 1917 йил мобайнида большевиклар томонида туриб, инкилоб галабаси учун кураш олиб борганини тасаввур килиш анча кийин. Тўгри, бундай караш тарафдорлари Хамзанинг 1917 йил сентябрь ойида ўтган Таъсис мажлисига сайловда фаол катнашганини ва унда тўртинчи рўйхатга овоз беришга тарғиб килганини айтишади. Маълумки, ўша сайловда большевиклар тўртинчи рўйхат оркали ўтиш-ган. Бирок айни шу рўйхатда большевиклар билан бирга мусулмон меҳнаткашлар иттифоки хам катнашган эди. Хўш, ўшанда Хамза тўртинчи рўйхатдаги большевиклар номзодини кўллаганмиди ёки мусулмон меҳнаткашлар иттифоки учун овоз беришга даъват этганмиди? Бу саволга аник жавоб йўқ.

Шу ўринда яна бир нарсага эътиборни жалб киламан — хадемай содир бўладиган Октябрь инкилобини "шоду хуррамлик билан" кутиб олиши керак бўлган Хамза 1917 йилнинг октябрь ойида инкилобий фаолият майдонини тарқ этади ва алгов-далговлардан анча нарида бўлган Туркистон шахарига кетади. Тадқикотчи Г.Мўминовнинг аниклашича, Хамза Туркистонда 1918 йил март ойининг охиригача хусусий муаллимлик билан шугулланади. Албатта, хаётдаги бирор ходисага муносабат билдириш учун, уни кувватлаш ёхуд рад этиш учун одам бу воеалар жараёнида шахсан иштиrok этиши шарт эмас. Хамза хам олисдан туриб, Октябрь инкилобини "шоду хуррамлик билан" кутиб олиши мумкин эди. Аммо Хамза архивида сакланиб колган хужжатларда ва бошка материалларда буни исбот киладиган ишончли далилни учратмаймиз.

Маълумки, большевиклар Тошкентда хокимият тепасига 1917 йил 31 октябрь куни келган. Бирок совет хокимияти учун курашда Хамза Хакимзода бевосита иштиrok этмаганидек, бошка ўзбек зиёлилари хам катнашган эмас. Кейинчалик большевиклар шуни рўкач килиб, бир неча муддат мобайнида маҳаллий миллат вакилларини давлатни бошкаришга якин йўлатишган эмас.

Хуллас, большевиклар куролли тўнтаришда голиб чиккан бўлсалар-да, бу уларнинг довругига довруг кўшгани йўқ — ўзининг тириклиги билан андармон бўлган халк оммаси яна анча вактгача уларга нисбатан локайд ва бефарқ колаверади.

Шунинг учун "ўзбек шоирлари ва биринчи навбатда, албатта, Хамза Хакимзода биринчи кунданок инкилобни севинч билан кутиб олди ва зўр кўтаринкилик билан унинг гояларини тараннум этди" деган гапни кейинчалик хукмрон мафкура тазикида тўкиб чиқарилган афсона деб караш керак.

Шу ўринда китобхонда жиддий эътиroz тугилиши мумкин — ахир, Хамзани "инкилоб куйчиси" деб атайдиган адабиётшуносларнинг хаммаси ўз фикрини исботловчи далил сифатида шоирнинг маълум ва машхур инкилобий шеърларини келтиради-ку? Ахир, Хамзанинг ўзи ўз оғзи билан "Яша Шўро!", "Битсин золим бойлар!", "Курамиз янги турмушни жаҳон ичра" дея хайкирган-ку? Унинг чиндан хам инкилоб шоири бўлганига бундан ортиқ яна кандай далил керак? Дарҳакикат, бу эътиroz гоят асослидай, хеч нарса билан рад килиб бўлмайдигандай кўриниади. "Яша Шўро", "Хой, ишчилар",

"Ишчилар, уйгон!", "Биз ишчимиз", "Хой, хой отамиз" каби шеърларда муайян инкилобий рух бор — шоир чинданда "эзилган меҳнатчилик"-нинг ёруглика чикишини истайди. Бунинг учун уларга ўз эркини кўлга олишга, "конхўр корин бойлар"га карши курашга чакиради. Бундай чакириклар инкилоб хитобалига хамоханг. Хўш, шундок экан, бу шеърларни хеч иккапланмасдан Хамзанинг большевикларга мухаббати ва янги тузумга садокатининг рамзи деб караш мумкин эмасми?

Бир карашда бу саволга ижобий жавоб бериш мумкиндай кўринади. Бирок масалага Хамзанинг гоявий эволюцияси нуктаи назаридан карапса, "инкилобий шеърлари"ни алоҳида ажратиб олмай, лоакал уч-тўрт йиллик ижоди багрида текшириладиган бўлса, аён бўладики, юкоридаги саволга дабдурустдан ижобий жавоб бериш кийин.

Гап шундаки, халкнинг оғир кисматини ўйлаш, унинг эркин ва фаровон келажагини кўмсаш, шу олижаноб ниятни амалга ошириш йўлларини излаш Хамза ижодида инкилоб йилларида эмас, анча олдин намоён бўлган. Колаверса, бундай гоявий йўналиш биргина Хамза эмас, балки жамики жадид шоирларининг ижоди учун хам характерли эди. Улар, айникса, халкни мислсиз асоратга солган, жаҳолат ва нодонлик зулматида тутиб турган чор амалдорларидан каттик нафратланар эдилар. Шунинг учун тараккийпарвар узбек зиёлиларининг хаммаси ок подшони таҳтдан воз кечишга мажбур килган феврал инкилобини халкка чинакам хуррият олиб келган инкилоб деб ўйладилар. Аммо уларнинг умидлари рўёбга чикмади — Керенский бошлиқ Муваккат хукумат даврида мохиятан хеч нарса ўзгармади — халкнинг кўкрагига шабада тегмади. Зиёлилар яхши кунларни кутишда давом этдилар. Нихоят, 1917 йил 25 октябрда большевиклар хокимиятни кўлга олди. Улар даври-даврон сурган кезларда халк кўзидан яшириб келган гаройиб хислатлари бор экан — ўз хокимиятларини мустахкамлаш йўлида большевиклар хеч кандай фирибгарликдан, хар кандай виждонсизликдан кайтмас экан. Улар хеч канча хижолат чекмай, ўзларини меҳнаткаш халкнинг якка-ю ягона хомийси ва хи-моячиси деб атадилар, биронта халк вакили билан маслаҳат килмай, уларнинг хоҳишлиари-ю карашларини назар писанд килмай, хамма ишларини халк номидан килдилар, шўро хокимиятининг бирдан-бир максади халкка баҳт-саодат келтириш, уни тўқ ва фаровон килиш деб эълон килдилар. Хатто бу йўлда дастлабки паллаларда одамларнинг орзу-истакларига мос келадиган декретлар хам эълон килдилар. "Ер — дехконларга! Завод, фабрикалар ишчиларга! Халкларга — тинчлик! Мазлумларга — озодлик!" Накадар жозибадор гаплар! Хаётини ана шу олижаноб идеалларга багишлиб келган, бу йўлда канчадан-канча таъкибларга учраб, муҳтоҷликлар кўрган зиёлилар учун бу декретлар айни муддао эмасмиди? Айни шу ниятлар билан ижодини нурлантириб келган Хамза нечук "Яша шўро!" демасин? Нечук ишчиларни уйготишга, ўз эрки учун курашга чакирмасин? Шуни хам айтиш керакки, бу хитоблар сехрига учраган биргина Хамза эмас эди. Хатто Чўлпон хам ўша йилларда ишчиларнинг конидан кизарган кизил байрокни алкаб оташин шеърлар яратди. Ха, шоирлар хам одам — улар хар канча зийрак, хар канча зехни ўткир, зукко бўлмасин, баъзан алданадилар, устомонлик билан курилган макр тузогига илинадилар. Ўйлайманки, кўп йиллар давомида бизга "инкилобий шеърият" тарзида такдим этиб келганлари аслида Хамзанинг ана шундай мудхиш алданиши окибатида тугилган эди. Хамзанинг олижаноб идеаллари, миллатнинг истикболи хакидаги ўллари 1917 йилда большевикларнинг шиорларига, баландпарвоз хитобалига мос келиб колди ва шу туфайли шоир бир даста "инкилобий" шеърларини яратди. Албатта, улар хали сўз санъатининг ноёб намуналари даражасига кўтарилиган

эмас эди, аммо муайян даражада юракдан чиккани, яъни самимият билан ёзилгани учун таъсир кучидан хам махрум эмасди.

"Хамза ва инкилоб" муаммосида шўро адабиётшунослиги олга сурган карашларда эътиroz тугдирадиган яна бир жихат бор. Бу шундаки, гўё Хамза "Октябрни севинч билан карши олгандан сўнг" умрининг охиригача унга содик колган ва унинг галабаларини мустахкамлаш учун фидокорлик билан курашган эмиш. Бу фикрга хам кўшилиб бўлмайди. Бу караш хам хар нима килиб бўлса-да, Хамзадан намунали шўро шоири ясаш учун тўкилган ва шоирни ўзлигидан махрум килишга каратилган.

Далилларга мурожаат килайлик. Большевиклар давлат тепасига келгач, халк оммаини ўз хокимиютини тан олишга мажбур кила бошладилар. Бунинг учун улар зўравонликни ишга солди-ар, халкни кўркитиб, иродасини синдириш учун оммавий киргин йўлидан бордилар. Большевиклар авж олдирган "кизил" террор зиёлиларнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. А.М.Горький, Г.В.Короленко, И.Н.Бунин каби дунёга танилган адиллар большевиклар сиёсатини каттиқ кораладилар. Рус зиёлиларнинг аксарияти норозилигини билдириш ва конли киргindан сакланиш учун тарки ватан килиб хорижга кочди. Туркистонда хам шу ахвол юз берди — большевиклар хокимият тепасига келгандан кейин икки-уч ой ўтмасданок уларнинг хакикий башараси фош бўлди — улар тилидан бол, камчисидан кон томадиган, хокимиятни кўлдан чикармаслик учун хеч канака ёвузлиқдан, хатто жиноятдан кайтмайдиган одамлар экани кўриниб килди. Масалан, инкилобнинг биринчи кунларида Лениннинг тили билан Туркистон халкларига озодлик ва мустакиллик ваъда килган большевиклар 1918 йилнинг бошидаёк Туркистон мухториятини вахшиёна тор-мор келтириди, уч кун давомида Кўконда мислсиз киргин ясад, тинч ахолидан ўн минг кишининг ёстугини куритди, кейин бошланиб кетган фукаролар урушида Фаргона кўчаларида халк кони дарё бўлиб окди. Кўз кўриб, кулок эшифтмаган бундай вахшийликларни кўрган шоирлар шундан кейин хам большевиклар шаънига мадхия ўкиб, олкишлар ёғдириши мумкинми? Халкнинг ахволи чоризм давридагига караганда мутлако ўзгармаганини, Туркистон хамон туткинлик ва эрксизлик асоратида эканини, большевиклар махаллий ахолини назар писанд килмай, унга паст назар билан караб, шовинистик сиёсат юргизаётганини кўриб, кўпгина адиллар ва шоирлар аксилинкилобий мазмунда асарлар ёза бошладилар. Хамза Хакимзода хам бу тамойилдан бутунлай четда колмади.

1918 йил 11 январь куни, яъни инкилоб галабасидан икки ярим ой ўтар-ўтмас "Улуг Туркистон" газетасида Хамзанинг "Туркистон мухториятина" деган шеъри босилиб чиқди. Кирк беш мисрадан иборат бу шеър мухаммас шаклида ёзилган бўлиб, хар бандининг сўнггида

Кутлуг бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашиб ислом миллати!

деган хитоб накорат тарзида такрорланиб келади. Шеърнинг бирон жойида Октябрь инкилоби, Шўро хукумати ёки большевиклар партияси хакида бирон оғиз гап йўк. Аксинча, Туркистон мухторияти "кўнгилларни дилшод" килгани, энди "вайроналар обод бўлиши", "Темурдек шохлар арвоҳи" турк ўглини курашга чорлаётгани кўтариинки рухда айтилади ва "ислом давлати"ни бир санжок остида бирлашишга даъват этилади:

Келинг энди бирлашинг ислом миллати!
Кетсин сунний, шиалик, нифок иллати!
Бир санжакка тўплансун, ислом давлати!
Кутлуг бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашиб ислом миллати!

Инкилобий гоялар чинакамига шоир эътиқодига айланиб улгурган бўлса, социалистик идеални аллакачон ўзи учун дастуриламал килиб олган бўлса, хар бир кадамини инкилоб каричи билан ўлчаб кўяётган бўлса, Хамза Хакимзода она юрти Туркистоннинг ўтмишдаги шону-шавкатини тиклашга ундовчи, буюк сохибкирон амир Темур руҳига тавалло килувчи шеър ёзармиди?

Эҳтимол, бу шеър Хамза ижодида тасодифан пайдо бўлгандир? Эҳтимол, у Хамзанинг "ношўровий" мазмундаги якка-ю ягона асаридир? Балки Хамза кай бир сабаб билан ўткинчи кайфият таъсирида бу шеърни ёзиб кўйиб, кейин пушаймон еб, бунака"куфрона" шеърлар ёзишни йигиштириб кўйгандир? Йўк, бу фаразимиз хам тўгри эмас. 1919 йил 21 май куни "Иштирокиён" газетасида Хамзанинг "Ким йиглар?" деган 14 мисралик газали эълон килинган. Бу шеъри мазмунига кўра Чўлпоннинг бир-икки йил кейин яратилган "Гўзал Фаргона, сенга не бўлди?" деб бошланадиган машхур шеърини эслатади, чунки хар икки шеърда хам Фаргона бошига тушган шўришлардан алам чеккан юракнинг изтироблари, унда кайнаб-тошган газаб-нок туйгулар ифодаланган:

Эй мардуми Фаргна, ахволингга ким йиглар?
Бадбаҳтига юз тутган икболингга ким йиглар?
Иффат или номусинг кимлар кўлида барбод?
Курбон ўлан маъсумлар, ахволингга ким йиглар?
Кон йиглатса афлокни отингни хаёлоти.
Дарвоке шу фурсатда аъмолингга ким йиглар?

Хамза Хакимзода "намунали шўро шоири" бўлмаганига ишонч хосил килиш учун шу икки мисол кифоя эмасми? Кифоя бўлмаса. Хамзанинг 20-йиллар бошида яратган тўрт кисмли "Фаргона фожиалари" деган драматик асарини эсланг — унинг номидан хам кўриниб турибдики, асарда Фаргона халкининг улуг инкилоб неъматларини шодонлик билан кутиб олган эмас, балки фукаролар уруши туфайли Фаргонанинг бошидан кечган конли воеалар тасвиrlанган. Бу асарнинг бизгача етиб келмай йўқолиб кетгани бежиз бўлмаса керак. Уни "йўқолиб кетган" эмас, "йўқотиб юборилган" деса, эҳтимол, тўгрирок бўлар. Баъзи бир хамзашунос тадқикотчилар бу асарнинг мазмуни унчалик "шўровий" эмаслигига, унда "гоявий хатолар" мавжуд эканига ишора килишган. Асарнинг матни етиб келмаган бўлса-да. ўша пайтларда эълон килинган такризларда мазмуни кискача баён этилган "Каҳрамон Ўгиз" пъесаси хам Хамзанинг "намунали шўро ёзувчиси" бўлишдан йироклигини кўрсатувчи асарлар сира-сидандир. Умуман, Хамза 1920 йилдан кейин "шўровий" руҳда асар ёзишдан тўхтайди деса хам бўлади. Тўгри, у махаллий сайловлар, ер-сув ислохоти, хотин-кизлар озодлиги каби "шўровий" мавзууларда бир катор шеърлар, манзумалар, сахна асарлари ёзган, бирок улар тор-ташвикий максадларни кўзлаган, бадииятдан махрум, умри киска асарлар эди. Бундан ташкари, уларнинг аксарияти хажвий характерда бўлиб, шўро тузумини улуглашдан,

большевиклар сиёсатини кўкларга кўтаришдан узок туради. Албатта, Хамзанинг 20-йиллардаги ижоди ва, айникса, драматургияси анча ранг-баранг ва теран хаётий мазмунга эга. Уларнинг хаммасини хамзашунослар сира иккиланмасдан шўро адабиётининг юксак намуналари деб хисоблашган ва хатто социалистик реализм методи асосида ёзилган деб бахолашган. Холбуки, "Майсаранинг иши" ёхуд "Паранжи сирлари" каби драматик асарларда хам "мана, ман" деб кўриниб турадиган шўровий мазмун йўк. Биз маколамиз давомида Хамзанинг 20-йиллардаги ижодига яна тўхтаймиз, хозирча эса бир фикрни таъкидлаш билан чекланамиз? 1917—1918 йиллар давомида бир даста "инкилобий" шеърлар ёзиб, "совет шоири кандай бўлиши кераклигини" гўё кўрсатган Хамза Хакимзода 20-йилларда бу мартабасини бирон бир салмокли асар билан тасдиқдашга уринмади хам.

Сезиб турибман — китобхон мулоҳазаларимни ўқияпти-ю, лекин кўнглида алланечук эътиroz гимиirlab, тинчлик бермаяпти. У менга караб: "Бу ёги кандок бўлди? Сиз Хамзани "шўро шоири эмас" деб даъво киляпсиз. Холбуки, унинг шўро одами бўлгани, инкилоб йилларидан бошлаб умрининг охиригача маориф ва маданият соҳасида турли шўро идораларида ишлагани маълум-ку!" деяётган бўлиши мукаррар. Ха, бу эътиroz тўғри. Мен Хамзани шўро шоири бўлган эмас деяётган эканман, бундан у "аксилшўровий унсур бўлган, шўроларга карши курашган, уни агдариб ташлашга чакирган" деган маъно келиб чикмайди. Биз бу масалада хам жўнрок, юзакирок фикр юритишига ўрганиб колганмиз. Назаримизда шундайки, бирон ижтимоий тузум мухитида яшаб ижод этган одам, албатта, шу тузумнинг мухиби бўлади ва уни, албатта, шу тузумнинг куйчиси деб атash керак. Бундай карашни адабий жараённинг умумий конунияти даражасига кўтарсак ва адабий ходисаларни шу конун асосида ба-холайдиган бўлсак, кўпгина гайри табиий ва сохта ху-лосаларга келамиз. Маълумки, шўро замонида социалистик реализм шўро адабиётининг асосий ижодий методи деб хисобланарди. Бунга кўра шўро замонида яшаб ижод этган ижодкорлар социалистик реализм адабиётининг вакиллари хисобланарди. Аммо хаёт деган нарса ўжар бўлар экан — у одамлар тўкиб-бичган колипларга тушавермас экан. Хатто шўро даврида хам кўпгина шоир ва адиблар бор эдики, сиз хар канча тиришиб-тортишманг, уларнинг асарлари социалистик реализм колипига сира тўғри келмас эди. Масалан, рус адабиётида М.А.Булгаков, Б.П.Пастернак, А.А.Ахматова, М.Цветаева каби ёзувчи ва шоирлар шулар жумласидан. Ўзбек адабиётида эса Абдулла Кодирий ижоди, унинг машхур "Ўткан кунлар" ва "Мехробдан чаён" романларигина эмас, хатто "Обид кетмон" киссаси хам социалистик реализм колипига сира тушмади. Хўш, нима килиш керак? Бу ижодкорларнинг хаммаси дунёга танилган, адабиётда мактаб яратган ижодкорлар — шунинг учун улардан юз ўгириб, воз кечиб бўлмайди. Хўш, нима килиш керак? Шунда коммунистик мафкура даргалари шўро «шариати»дан йўл топиб, шундай фатво беришди: "совет адабиёти" деган тушунча "социалистик реализм" тушунчасидан кенг. Бу гап, умуман, тўғри эди, лекин етарли эмас эди. Унинг мутлако тўғри бўлишини таъминлаш учун жиндайгина ўзгартириб, "адабиёт" деган тушунча "совет адабиёти" деган тушунчадан кенг бўлади" демок лозим эди. Дарҳакикат, биз 20-йилларда рус адабиётида хам, бошка миллий адабиётларда хам, узбек адабиётида хам кўпгина ёзувчиларни кўрамизки, улар шўро худудида истикомат килган, шўро паспортига эга бўлган, шўро идораларида ишлаган бўлсалар-да, роман ва киссалар, хикоя ва достонлар, шеърлар ва драмалар ёзган бўлсалар-да, "шўро ёзувчиси" ёхуд "шўро шоири" бўлган эмаслар. Бунинг энг ёркин мисоли сифатида Сергей Есенинни кўрсатиш мумкин. У, албатта, шўро фукароси эди, лекин уни "шўро шоири" деб атасак

анча-мунча сунъийликка йўл кўйган бўламиз. Негаки, у шўро худудида яшагани билан шўро вокелиги унинг учун ижодий материалга айланган эмас, колаверса, у хали шўровий тафаккур малакаларини эгаллагани йўк, шўровий дунёкараш хам унинг онгига сингиб кетган, унинг яшаш тарзида янгича иклимини вужудга келтирган эмас. Шу ахволни Хамза масаласида хам аник кўриш мумкин — хеч шубҳасиз, у шўро фукароси бўлган, шўро идораларида ишлаган, уларнинг турли топширикдарини бажарган, сайёр драма труппалари тузган, улар билан бирга фукаролар уруши фронтларига борган, кейин эса турли вилоятларда бўлиб, халқ онгини ёритишга харакат килган, хурофот ва бидъатга карши курашган, янги хаётни жорий килишга уринган. Хамза шўро мафкурасининг кай бир жихатларига хайрихox хам бўлган бўлиши мумкин. 20-йилларнинг бошида унинг партияга аъзо бўлиб кирганини шу билан изохласа бўлади. Лекин буларнинг хеч кайсиси хали Хамзани "шўро шоири" деб таърифлашга асос бўла олмайди. Нега? Гап шундаки, хали революцион вокелик ва революцион мафкура Хамза учун ижодий вокеликка, ижод фактига айланиб улгурган эмас. Албатга, хаётдаги воқеаларнинг акс-садоси сифатида майдонга келган уч-тўртта шеър хали "шоир учун бутун инкилобий вокелик ижод фактига айлан-ди" деб хulosаси чикариш учун етарли эмас. Бошкacha айтганда, инкилобий вокелик, инкилобий дунёкараш шоир онгига чукур сингиб, унинг вужудини камраб олиб, унинг учун хаёт-мамот масаласига айланиб, ижодининг моҳиятини ташкил киладиган даражага етгани йўк. Шунинг учун Хамза шўро фукароси сифатида яшашда ва фаолият кўрсатишида давом этган холда хали шўро шоирига ёхуд шўро адибиға айланиб улгурмаган эди. Бутун 20-йиллар давомида Хамзанинг ижодида хам худди Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Сулаймон ижодида бўлгани каби жадидчилик руҳи устувор бўлиб колган.

* * *

Жадидчилик зиёлилар ўртасида XX аср бошларида авж ола бошлаган ижтимоий-сиёсий ва маърифий-маданий харакат бўлиб, умумтуркий характерга эга эди ва ўз олдига туркий халкларни ижтимоий ривожланишининг янги, замонавий, самарали йўлларига олиб чикишни максад килиб кўйган эди. Жадидчилик, айникса, Туркистонда миллий уйгониш жараёнининг бошланишига курдатли туртки бўлди. Бу жараён мил-атнинг бир ёқадан бош чикаришини, ахил бўлиши-ни, яхлит бўлиб бирлашишини такозо килади. Жадид-лар ўз асарларида "Ватан", "миллат" тушунчаларини олдинга сурдиларки, бу тушунчалар ўша шароитда кишиларни, фикрловчи унсурларни жипслаштиришга кодир омил бўлди. Жадидчилик харакати XX аср бошларида Туркистонда том маънодаги инкилобий харакат бўлган эди, фактат унинг инкилобийлиги зўравонлик йўли билан кон тўкиб, киргилар ясаб ижтимоий тартибларни ўзгартиришга йўналтирилмаган, балки маориф-маданият таркатиш йўли билан халкнинг онгини уйготиб, кўзини очиб, тинч-тотув тарзда хаётни янгилаш максадига каратилган эди. Жадидлар учун куролли тўнтарувлар эмас, тинч ислохотлар мухим эди. Лекин шундай бўлса-да, бу харакат майдонга келиши биланок чор хукуматининг таъкибиға учради. Большевиклар хокимиёт тепасига келгандан сўнг улар хам аввал енг ичиди, кейин эса очикдан-очик жадидларга карши кураш бошлаб юбордилар. Хукмрон мафкура жадидчиликка муносабатда галати боскичларни бошидан кечирди. Шўро даврида 20-йилларнинг ўрталаридан бошлабок Мунаввар кори, Тиллахон Салимхонов, Убайдулла хўжа Асадуллахўжаев, Саид Ахорорий каби зиёлилар хибсга олиниб, маъмурий камок жазоларига мустахик килинган

бўлсалар-да, баъзи бир илмий асарларда хали жадидларнинг тарихдаги ижобий роли хакида гапириш мумкин эди. 30-йилларнинг ўрталарига келиб эса улар "буржуа мафкурачилари" деб эълон килинди. Шунга кўра "жадид" деган кимса бирон жихатдан ижобий бўлиши мумкин бўлмаган сиймога айланди. Ойбек "Кутлуг кон" романини битириб, биринчи марта мухокамага кўйганда, айrim нотиклар Абдишукур образида жадидларнинг реакцион моҳияти "етарли" фош килинмаганини таъкидлашди. Адаб уларнинг танқидини инобатга олишга мажбур бўлди. Аммо биз хоҳлаймизми-йўкми, жадидлар ичida миллатнинг равнаки йўлида чинакамига жонбозлик кўрсатиб, ўз ёнидан мактаблар курган, дарсликлар ёзган, халқ болаларини бепул ўқитган, босмахоналар куриб газета-журналлар чикарган, китоблар чоп этган, тури тўгараклар ташкил этиб, маърифат таркатган фидойи одамлар кўп эди. Шунинг учун баъзан-баъзан йигилишларда ёхуд айrim маколаларда "жадидлар орасида тараккийпарварлари хам бўлган" деган маънодаги гаплар айланиб коларди. Аммо бунака гаплар кўллаб-кувватланмас, деворга айтилгандай беокибат колиб кетар эди. Журъат килиб бу гапни ошкора айтганлар эса расмий доираларнинг кўзига хунук кўриниб коларди. Нихоят, бу масала 60-йилларнинг охирига келганда узил-кесил "хал" килинди. Ўша пайтларда Ўзбекистон Компартияси Марказкўмининг Биринчи котиби бўлиб ишлаган Шароф Рашидов хузурида бўлган кичикрок йигилишлардан бирида каҳр билан столни бир муштлаган-у, "жадидлар босмачиларнинг мафкурачиси бўлган, бу хакда бошка гап бўлиши мумкин эмас" деб чўрт кесган. Шундан кейин "жадидларнинг тузуклари бор" дейдиганларнинг дами ичига тушиб кетган ва ижодини инкилоб йилларида бошлаган ўзбек ёзувчиларининг хаммаси жадидлардан бутунлай айриб олинган. Хамза Хакимзода ижодини бахолашда, унинг гоявий-ижтимоий эволюциясини белгилашда хам адабиётшунослик ана шу кингир кўчаларга кириб чикишга мажбур бўлди. 30-йилларнинг биринчи ярмида хеч ким хеч канча тортинмай, Хамзанинг инкилобдан аввал жадид бўлгани хакида гапираверар эди. Хатто ўша пайтда чиккан баъзи дарсликларда Хамза жадид адабиётининг вакили сифатида талкин килинган. Кейинчалик бу гаплар барҳам топди-ю, унинг ўрнига "Хамза ижодига жадидларнинг таъсири" тўгрисида гапира бошланди. Нихоят, шундай замонлар хам келдики, Хамзани жадидлардан бутунлай айриб олдилар. Бу кийин масала эди, бунинг учун бакрайиб туриб окни кора демок керак эди. Айrim адабиётшунослар хар кандай тарихий фактлардан кўз юмиб, ўзларининг кулгили ахволга тушиб колганларига парво килмай, бу борада роса "жонбозлик" кўрсатдилар. Масалан, улар Хамзанинг инкилобдан аввал ёзган маърифатпарварлик руҳидаги асарларини жадидларникидан ажратиб олиш учун ўта бемаъни сафсаталарни олга сурдилар — эмишки, жадидлар болаларни китоб ўқишига чакирганда бой-бадавлат одамларнинг фарзандларини кўзда тутган, Хамза Хакимзода эса улардан фарқ киларок, камбагал, кашшок, меҳнаткаш халқ фарзандларини илм олишга даъват этган эмиш. Хуллас, Хамзани "намунали совет шоири"га айлантириш жараёни уни жадидчилик харакатидан ажратиб олиш билан кўшилиб кетди. Аммо Хамзанинг ким эканини унинг асарлари яккол айтиб беради-ку! Шунинг учун айrim хамзашунослар бу борада хам шоир ижодини калбакилаштириш, Хамза хакидаги хакикатни кенг китобхонлар оммасидан яшириш йўлидан борди. Бир мисол келтирай:

Урушдан кейинги йилларда Хамза Хакимзоданинг танланган асарлари бир неча марта нашр этилди. Бирок уларнинг хаммаси таркибига кўра бир-биридан деярлик фарқ килмас ва Хамзанинг хакикий ижодий киёфаси тўгрисида тугал тасаввур бермас эди. Бу

китобларга Хамзанинг ок подшога таъзим билан "садик фукарочилик" руҳида ёзган айрим шеърлари ёхуд инкилобдан кейин, юмшатиб айтганда, гайри инкилобий руҳда ёзилган баъзи бир асарларигина эмас, хатто "Захарли хаёт" хам киритилган эмас. 1957 йилда Октябрь инкилобининг 40 йиллиги муносабати билан Хамза Ҳакимзоданинг танланган асарлари хам нашр килинадиган бўлди. Ўшанда мен бир неча муддат Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудири бўлиб ишлаган эдим. Табиийки, китобни нашр этиш масъулияти менга юклатилган эди. Мен янги нашрнинг аввалгиларидан жиндай бўлса-да фарқ килишини истардим, шунинг учун китобни тўпловчи Юсуф Султоновга "Захарли хаёт" драмасини киритишни таклиф килдим. "Бу асар 30-йилларда хам адабиёт хрестоматияларида нашр килинган. Хамза хакидаги хар бир маколада унинг тўгрисида илик гаплар айтилган; хозир бу асар ўкув дастурларига хам киритилган, аммо ўкувчилар ва талабалар асар матнини тополмай кўп кийналишяпти" деганга ўхшаш далилларни калаштириб ташладим. Назаримда, бу далилларга эътиroz билдириш амри маҳол эди. Бундан ташкари республикада хамзашуносликнинг пешволаридан хисобланган Юсуф Султоновнинг ўзи Хамза асарларини кенгрок тарғиб килишдан манфаатдор бўлмоги керак эди.

Домланинг ковоги уюлди. Кошлари чимирилиб, пешонасидаги ажинлар куюклашди. Бироз сукутдан кейин у комил ишонч билан худди хукм ўкиётган судядек шартта-шартта кесиб гапирди:

— Хамза бизнинг ифтихоримиз, у факат янги ўзбек адабиётининг яловбардори эмас, бутун совет адабиётининг асосчиларидан бири. Кўп миллатли драматургиямизга багишлиланган, Москвада рус тилида нашр этилган ўн жилдлик мажмуа "Бой ила хизматчи" драмаси билан очилган. Шундок бўлгандан кейин биз жуда эҳтиёт бўлмогимиз керак. Хамзанинг шаънига дот туширадиган иш килиш ярамайди. Хамзага карши пичогини кайраб турган гоявий душманларимизга баҳона бериб куймайлик. Бу ишда сиёсий хушёрлик керак.

Бу гапларни эшитиб хайрон бўлдим — Хамзанинг ўзи ёзган тузуккина асар эълон килинса, бу кандай килиб унинг шаънига дот тушириши мумкин? Нима учун Хамзани Хамзанинг ўзидан химоя килиш керак? Нега энди Юсуф Султон Хамзага оқловчи бўлиш вазифасини ихтиёрий равишда бўйинларига олиб, уни кандай тарғиб килиш борасида фармонбардорлик килишни жоиз деб биладилар? Мен бу гапларни айтиб, домлага эътиroz билдиришим мумкин эди, лекин айтмадим, андиша килдим, тўгрироги, ўзбекчилик килдим. Чунки у пайтларда "сиёсий хушёрлик" масаласи ўртага тушиши биланок ювошгина бўлиб, бошни куи солиб, кўлни кўкракка кўйиб таъзим бажо келтиришдан ўзга илож колмасди.

Хамзанинг асарлари китобхон кўлига тўларок етиб бормоги учун яна ўттиз йилдан ортик вакт керак бўлди. Шунда хам кайта куриш бўронларида коммунистик мағкуранинг шарти кетиб, парти колмагунча бу ишни амалга ошириб бўлмади.

Нихоят, коммунистик устунлар кулади, Ўзбекистон мустакил ривожланиш йўлига кадам кўйди. Замоннинг ўзгариши бошка соҳалар каби адабиётшунослар олдига хам янги вазифалар кўйди — шўролар замонида хукмрон мағкура колипига мослаб ёзилган кўпгина бадиий ва илмий асарларимизни кайта кўриб чикиш зарурати тугилди. Айникса, катлиом килинган, асоссиз кораланган ёхуд асоссиз макталиб кўкларга кўтарилиган ижодкорларнинг хакикий киёфасини холисона очиб бермок зарур эди. Албатта, бу ишни биринчи бўлиб хамзашуносларимиз бошлаб беришса яхши бўларди. Улар хукмрон

мафкура тазикида канака гайри илмий йўллар тутишганини, Хамзани ўзлигидан маҳрум килиш учун кандай сафсалаларни, ёлгон-яшикларни калаштирганларини элу-юрт олдида очик айтиб, Хамза аслида ким-у, кандай ижодкор бўлганини кўрсатиб берсалар, фойдадан холи бўлмас эди. Аммо, афсуски, хали хеч ким бу ишга кўл урганича йўк. Нима хам дейиш мумкин — хеч кимни мажбурлаб тавба-тазарру килдириб бўлмайди, бу иш хар кимнинг виждонига хавола. Лекин масаланинг нохуш томони шундаки, айрим хамзашунослар холислик ва илмийлик йўлини тутиш ўрнига яна Хамзани янги шароитларга мослашти-ришга харакат килишмокда. Мен якинда "Ўзбекистан адабиёти ва санъати" хафталигига Хамза тўгрисида бир макола ўқидим. Унда Хамзани ислом динининг изчил таргиботчиси сифатида кўрсатишга уриниш бор. Менимча, Хамза ижодига бундай ёндашиш хам бир томонламаликдан бошка нарса эмас. Тўгри, Хамза эътиқодли мусулмон бўлган, ислом динини яхши билган, хаж килган одам. Шеърларида хам, албатта, унинг диний эътиқоди кай бир даражада ўз ифодасини топган. Лекин шунга караб, уни динга муккасидан кетган, ашаддий художўй одам сифатида ёки исломнинг фидойи таргиботчиси сифатида таърифлаб бўлмаса керак. Мен Хамзанинг хаёти ва ижоди хакида билгандарим асосида катъий ишонч билан айта оламанки, у шуролар пайтида айтилганидек, динга карши фаол курашган атеист хам эмас ва хозир айрим хамзашунослар эълон килаётгандек Хувайдо ва ёки Хазиний каби диний шоир хам бўлмаган. У ижодининг биринчи кадамлариданок жадид бўлган, унинг ижодий эволюцияси хам жадидчилик мафкураси худудида содир бўлган. Бирок бу — унинг ижоди хар кандай кусурлар ва адашишлардан холи бўлган деган маънони билдирамайди. У изланган, адашган, хато килган ва шу изланишлари билан бирга кимматлидир. У жадид сифатида нафакат китобни, янги мактабни, янгича маданият ва янги психологияни таргив килган, айни чогда у ватанининг истикболини хам ўйлаган, унинг ривожига, миллат равнакига хисса кўшишга харакат килган. Унинг жадидлиги 1917—1918 йилларда энг юксак нуктага кўтарилди, лекин кейинги йилларда хам йўк бўлиб кетгани йўк. Табиийки, бу мулохазалар хали атрофлича тадқикотни талаб килади. Энг мухими эса шундаки, бугунги мустакиллик мафкураси кечаги кунда эришган маънавий ютуқдаримиз-дан механик тарзда кўз юмишни такозо этмайди, кечаги маданият ва адабиёт намояндаларидан юз ўги-ришни талаб килмайди, аксинча, маънавий-маданий меросимиздаги хар кандай бойликни авайлаб-асрамо-гимиз, хар кандай ёркин сиймони эҳтиёт килмогимизни талаб килади. Шу сиймолар каторида аслида Ватан равнаки учун курашган, кейин ўзи бехабар холда шўро адабиётининг яловбардорига айлантирилган Хамза Хакимзода хам бор.

Озод Шарафиддинов, 2000